# МАҲАЛЛА — ЮКСАЛАЁТГАН ҚЎРҒОН

**Толибжон ҲАФИЗОВ,**
**Фарғона вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси.**

**Маҳаллаларимизнинг оқсоқоллари ҳар бир кўчани, ҳовлини, уй-жойларни обод ва саришта ҳолатда бўлиши, меҳр-оқибат, тинчлик, осойишталик, инсоний гўзаллик барқарор бўлиши учун юракдан қайғуриб иш олиб боришлари керак.**

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг эркин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олинганлиги билан ҳам юксак мавқега эга.

Йилдан-йилнинг фарқи бор деганларидек, 2002 йил ҳам ўзига хос янгиликларга бой бўлди. «Қарияларни қадрлаш йили»да кўплаб хайрли ҳамда савобли ишлар амалга оширилди ва бу билан у мустақил юрт ҳаётида ўз изини қолдирди.

Президентимиз томонидан мамлакатимиз ривожлангани, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпчилик вазифалари, шу жумладан назорат вазифаси жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига берилиши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарурлиги ғояси олға сурилган эди. Вилоят прокуратураси «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда бу ғояни амалга оширишга республикада биринчи бўлиб киришди ва махсус дастур ишлаб чиқди. Унда аҳолини зарур истеъмол товарлари билан таъминлаш, ногирон ва пенсионерларга нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан тортиб, аҳоли ижтимоий муҳофазасига оид кўп қиррали масалалар ўз ифодасини топган. Вилоят прокуратураси дастур асосида 28 та йўналишда «Услубий тавсиялар» ишлаб чиқди ҳамда уларнинг ҳар бирини алоҳида китобча ҳолида кўп нусхада нашр қилдириб, жойларга тарқатди. Вилоятдаги 961 та шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ушбу қўлланмалар асосида жамоатчилик назорати гуруҳлари тузилди. Ушбу гуруҳлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб ишлаяпти.

Ўтган йили мазкур гуруҳлар томонидан 4832 марта текшириш ўтказилган ва улар якуни муҳокама қилинган. Йиғилишлар қарорларига асосан мутасадди идораларга 735 та талабнома чиқарилиб, 595 та тақдимнома киритилган. 197 та даъво аризаси қўзғатилиб, 172 та ҳуқуқий низо адолатли ҳал қилинган. Бунинг натижасида фуқароларнинг юқори идораларга ариза ва шикоятлар билан бориши кескин камайган.



*Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоев фарғоналик отахон билан.*

Мамлакатимиз Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони асосида коммунал хизмати тўловларини маҳаллалардаги агентлар томонидан шартнома асосида тўплашни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда вилоятдаги ҳамма маҳаллаларда агентлар ишлаб турибди ва уларнинг халқ банкларида махсус ҳисоб рақамлари очилган. Ўтган йили агентларнинг 50 тасига лизинг асосида велосипед сотиб олиб берилди. Бу тадбир коммунал хизмат кўрсатувчи корхонага ҳам, маҳаллага ҳам фойда келтирмоқда. Буни шу мисолдан ҳам кўриш мумкинки, коммунал тўловларни тўплаш шартнома режасини ҳар ойда вилоятдаги 250-300 та маҳалла фуқаролар йиғини бажариб, тушумдан 10 фоиз ажратмани олмоқдалар. Бу борада Данғара, Тошлоқ, Фарғона, Бувайда ва Боғдод туманларидаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларида яхши ишлар қилинмоқда.

Айтиш мумкинки, юқоридаги икки йўналиш - жамоатчилик назоратини ташкил қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш тўловларини ундиришни тартибга солиш бўйича вилоятимиз маҳаллаларида тўпланган тажриба бутун республикага ёйишга арзигуликдир.

Ҳозирги кунда вилоятдаги деярли барча маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла милиция таянч пунктлари ишлаб турибди. Профилактика инспекторлари билан маҳалла посбонларининг яқин ҳамкорликда ишлашлари фуқароларнинг тинчлигини сақлаш, ҳар хил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларнинг ўз вақтида очилишида муҳим рол ўйнамоқда. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, кейинги вақтларда вилоятда жиноятчилик бир мунча камайди. Шундай маҳаллалар борки, йил давомида ҳеч қандай жиноят содир этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш бўйича вилоятдаги барча шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ишчи гуруҳлари тузилди.

Маҳалла йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган турли маърака, маросимларга бош-қош бўлишдир.

Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналарни, марҳумлар хотирасига бағишланган маросимларни меъёрида, ихчам, камчиқим, исрофгарчиликсиз ўтказишга қаратилган Президент фармони бу борада алоҳида эътиборга лойиқдир. Маҳаллаларимизда Фармонда қўйилган вазифаларни амалга ошириш туфайли жойларда ҳафталаб давом этадиган суннат ва никоҳ тўйлари қисқартирилди. Тўй ва маросимлардаги ортиқча чиқимларга барҳам берилди.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришга, соғлом турмуш тарзига интилиш ҳамда спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада айниқса кейинги йилларда қатор ишлар қилинди. Шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда янги-янги спорт иншоотлари қурилиб ишга туширилди. Маҳаллаларда спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Лекин булар ҳали оз. Ҳаёт келгусида ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада спортни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Маҳаллалар фаоллари бу борада ташаббусни ўз қўлларига олишлари керак.

2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб белгиланиши зиммамизга жуда катта масъулият ва янги вазифаларни юклайди. Биз буни тўла ҳис қилган ҳолда ўзимизнинг режаларимизни белгилаяпмиз. Янги йилда шаҳар ва туман бўлинмаларимиз, маҳалла оқсоқоллари илгари бошланган барча ташаббусларни, хайрли тадбирларни изчил давом эттирадилар.

Вилоят ҳокими ташаббуси билан шаҳар ва туман бўлинмаларимизга 21 та замонавий компьютер сотиб олиб берилди. Бу билан биз марказлашган программа асосида аниқ йўналишлар бўйича иш ташкил қилиш имкониятига эга бўламиз. Шунингдек, Фарғона шаҳридаги Ал-Фарғоний ва Ёшлар маҳаллалари ҳудудида янгидан қурилаётган «Болажонлар оромгоҳи»га «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бош буюртмачи этиб тайинланди ва ҳозирги кунда Германия компанияси билан ҳамкорликда лойиҳалаш ҳамда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Вилоят «Маҳалла» жамғармасининг «Маданият маркази» учун алоҳида жой ажратилди ва шундай марказларни туман ҳамда шаҳарларда ҳам ташкил қилиш ҳақида ҳокимларга кўрсатма берилди. Ҳозирги кунда вилоятдаги ҳамма шаҳарча, қишлоқ ва маҳаллалар қошида ободонлаштириш кенгашлари тузиляпти. Ҳудуддаги барча хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалар бу кенгашга аъзо бўлади ҳамда оқсоқоллар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Келгусида ўз жамғармамиз ҳисобидан янги иш ўринлари очамиз. Маҳалла гузарларини яна ҳам обод ва кўркам бўлишига ҳаракат қиламиз.

Маҳаллаларимизнинг оқсоқоллари ҳар бир кўчани, ҳовлини, уй-жойларни обод ва саришта ҳолатда бўлиши учун, меҳр-оқибат, тинчлик, осойишталик, инсоний гўзаллик барқарор бўлиши учун юракдан қайғуриб иш олиб борадилар. «Обод маҳалла йили»ни эзгуликлар йили, ҳамма соҳада ютуқ-юксалишлар йили бўлиши учун барча имкониятларни ишга соламиз.

● Маҳаллада тарбия

## ҚЎШНИЧИЛИК АҲИЛЛИК ДЕГАНИ...

*Туманимиз тоғлар орасида, чегара зонасида жойлашган. Қирғизистон давлати билан чегарадошмиз. Ён қўшним - жон қўшним» деганларидек, қирғизлар билан яхши муносабатлар ўрнатиб, аҳилликда яшаяпмиз. Маҳалламизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Кексалар билан ёшлар учрашувлари ўтказиб борилади. Шунинг натижасида бугунгача салбий таъсирларга берилган болаларни бизнинг маҳалламизда учратмайсиз. Ёшу қари бамаслаҳат иш юритиб, маҳалла ободлиги учун курашяпмиз. Бу саъй-ҳаракатлар албатта ўз самарасини беражак.*

**Абдужаббор ЖЕЛОНОВ,**
**Сўх туманидаги Чашма маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.**

● Ибрат

## ОТАСИ СЎЗИГА КИРГАНДИ...

### (бунинг оқибати хайрли бўлди)

***1954 йили Фарғона шаҳрининг Оқариқ қишлоғида қариялар уйи ташкил этилди. Бектош Дурсунов раҳбар этиб тайинланди. Елиб-югуриб бу ердаги биноларни тезда таъмирдан чиқарди, жиҳозлади. Дастлаб ўн нафар боқувчисиз қолган ёлғиз қария қабул қилинди.***

Бу ердаги мунгли ҳаёт Бектош кўнглига таскин бермас, негадир бошқа бир серзавқ жойда ишлашни хоҳларди. Кўнларнинг бирида у бу ҳақда отасига ёрилди.

- Ўғлим, - деди Сайфулла ака, - кўнгли ярим қариялар билан ишлаш осонмас. Агар савобга қолиб, элга нафим тегсин десанг асло уларни ташлаб кетма. Кўнгилларини овла, дуосини ол, кам бўлмайсан!

Бектош «Майли, отам айтгандай бўлсин» дедию, бу жойдан кетмасликка қарор қилди. Шундан сўнг одамларга меҳр-оқибат кўрсатиш унинг бутун ҳаёт мазмунига айланди. Қариялар уйини кенгайтириш, бу ерда яшовчиларга қулай шароит яратиш ҳақида ўйларди. Унинг саъй-ҳаракати билан Фарғона шаҳрининг Охунбобоев мавзеидан ер ажратилиб, 250 ўринга мўлжалланган қариялар уйи қурилди. Замонавий мебеллар билан жиҳозланди. Бино олдида боғ ташкил қилинди. Бугунги кунда бу маскан энг яхши санаторийлардан қолишмайди.

Ярим асрли умрини кўнгли ярим, ёлғиз қариялар хизматига бағишлаган Бектош оға бугун эл орасида обрў топди. Бу ерда яшовчи қариялар уни бир кун кўрмаса соғиниб қолишади.

Айни кунда Фарғонадаги «Саховат» уйида 200 нафарга яқин қария истиқомат қиляпти. Бектош ака уларнинг ҳар бирини ўз туғишган кишисидек кўради. Ҳар куни хонама-хона юриб, ҳол-аҳволларидан хабар олади. Бу ерда яшовчи ҳар бир қариянинг туғилган кунлари Бектош акага маълум. Шу куни у ўша қариянинг кўнглини олади, кўпчилик ўртасида совға-салом топширади.

Бектош ака ўз юмушларидан ортиб, маҳаллага ёрдам берган пайтлари ҳам кўп бўлган. Бир вақтлар Чекшўра қабристони харобага айланиб қолган эди. У ташкилот ва корхона раҳбарлари диққатини шу ишга жалб этди. Қабристоннинг атрофини ўраб, обод қилишга ўзи бош бўлди.

У ҳар куни қадрдон даргоҳга кираётиб, қалби меҳр ҳислари билан тўлиб тошади. Салобатли бинони кўриб, яйраб кетади. Қарияларни қадрлаш йилида қурилган бу бино пойдеворига унинг ўзи илк ғиштни қўйганди. Буни ўйласа қувонади, кўнгли равшан тортади. Шунда беихтиёр отасининг «...савобли иш қилай, элга нафим тегсин десанг, ғарибларни ташлаб кетма!» деган сўзлари қулоқлари остида жаранглагандай бўлади.

**Толибжон ТУРСУНОВ**

● Ҳоким ва маҳалла: янги тажриба

## МУАММОЛАР МУЛОҚОТДА ЕЧИЛМОҚДА

*** Махсус гуруҳ тузилди**
*** Эътирозлар жойида ҳал этилаётир**
*** Бўлинма ерли бўлади**

Фарғона туманидаги қишлоқ жойларда яшовчи фуқароларнинг кунлик ташвиш ва муаммоларини ўрганиб имкон даражасида ҳал қилиб бориш, маҳаллалар билан бир қаторда туман ҳокимлигининг ҳам диққат марказида. Туман ҳокими Ортиқали Мадумаров мавжуд 66 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган тумандошларнинг шу кундаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиб беришни навбатдаги вазифа қилиб белгилади. Шу мақсадда ҳокимнинг ўринбосарлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаси туман бўлинмаси раислари, «Маънавият ва маърифат» маркази масъул котибидан иборат гуруҳ тузиб, туманимиздаги 16 та қишлоқ ва Чимён шаҳарча фуқаролар йиғинларида фуқаролар билан очиқ, юзма-юз мулоқот ўтказиш жадвалини тасдиқлаб берди. Муборак рамазон ойининг Ҳайит байрами арафасида барча фуқаролар йиғинларида ўтказилган мулоқотлар ниҳоясига етказилди. Гулшан қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган мулоқотда фуқаролар Араб, Бой маҳаллаларида табиий газ жуда паст эканлигини маълум қилишди. Худди шунингдек газ муаммоси Аввал қишлоқ фуқаролар йиғинидаги мулоқотларда ҳам кўтарилди. Гуруҳ раҳбарлари бу муаммоларни туман ҳокимига етказгач ҳоким шахсан ўзи Гулшан ва Аввал қишлоқларига вилоят ва туман газ корхона раҳбарларини таклиф қилиб қўшимча газ қувурлари ўтқизиш йўли билан газ муаммосини тезлик билан ҳал қилиб берди. Ўтказилган очиқ мулоқотларда фуқаролар билдирган эътирозлар қайси соҳага алоқадор бўлса, ўша соҳа раҳбарлари гуруҳ томонидан мулоқот жойига таклиф қилиниб, билдирилган эътирозларга тушунтиришлар берилди, муаммоларни ҳал қилиш чораси кўрилди.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларда «Маҳалла» хайрия жамғармаларида ночор ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда маблағ етишмаслиги муаммоси мавжуд. «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмасини маблағ билан таъминлаш мақсадида туман ҳокими жамғарма ихтиёрига боғ ташкил этиш, деҳқончилик қилиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ер ажратиб бериш масаласини кўриб чиқмоқда.

**Р.ОБИДОВ,**
**Республика «Маҳалла» жамғармаси Фарғона туман бўлинмаси раиси.**

***Фарғонада «Mahalla»нинг муштарийлари кўп. Шу боис таҳририят ходимлари ҳам улар билан мулоқотга тез—тез вақт топишади.***

***Суратда: вилоят оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Толибжон Ҳафизов (ўртада) ва Сўх тумани ҳокими Ҳакимжон Сайфиддиновлар (унинг чап ёнида) «Mahalla» ходимлари билан муштарийлар мулоқотида иштирок этишмоқда.***



***Фарғона шаҳридаги 25-Жўйдам фуқаролар йиғинига 1999 йилгача туртта раис сайланди. Тўртинчи раис истеъфодаги милиция майори Иброҳимжон АБДУМУХТОРОВ бўлди.***

## МУНОСИБ РАИС САЙЛАНГАЧ...

Бизнинг қишлоқ 1990 йилгача Фарғона туманига қарар эди. Фарғона шаҳрининг ҳудудига ўтгач, яна бир маҳалла ташкил қилинди. Унинг номи Жўйдам деб аталди. Маҳалла марказида бундан 100 йиллар муқаддам қурилган, ҳозирги вақтда жуда кўримсиз чойхона биноси ҳам мўъжазгина қилиб қурилган жоме масжидини тўсиб турар эди.

Атиги биттагина савдо дўкони бор эди, холос. Иброҳимжон Абдумухторов раис бўлиб сайлангандан сўнг эса Жўйдам қишлоғининг ўзида амбулатория очиш масаласи қўйилди. Раисимиз «Сабзавоткор» ширкат хўжалигининг раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, хўжаликнинг Жўйдамдаги бўлим идорасига фуқаролар йиғинини кўчирди. Бўшаган бинода амбулатория очилди. Маҳалладаги тадбиркор ва фидойи одамлар билан маслаҳатлашиб, эски чойхона биносини бузиб, тўртта хонадан иборат бино қурилди. Биринчи хона савдо дўкони, иккинчиси тиш даволаш хонаси, яна бири сартарошхона ва охиргиси пойафзалларни таъмирлаш устахонаси бўлди. Бу бинога туташ, улкан омборхона ширкат хўжалигидан сўраб олиниб, чойхонага мослаб таъмирланди. Бу биноларнинг атрофида фуқаролар йиғинининг идораси, ён томонида хотира майдони ва амбулатория бинолари жойлашган. Бундан ташқари маҳалламиз марказида янги озиқ-овқат дўкони очилиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган гузар барпо этилди.

**Абдурашид ҲАСАНОВ**

● Туҳфа

## КОМПЬЮТЕРЛАР - ФАОЛ ТУМАНЛАРГА

**Фарғона вилояти ҳокимлиги «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ва унинг туман, шаҳар бўлинмалари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга йилдан-йилга катта эътибор бермоқда.**

Буни «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда туман ва шаҳар бўлинмаларининг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган 2003 йилнинг дастлабки кунлариданоқ компьютерлаштирилганидан ҳам кўриш мумкин. Вилоят ҳокимининг қарори билан вилоят молия бошқармасига 21 та комплект компьютер техникаларини сотиб олиш учун 31 миллион 500 минг сўм маблағни вилоят «Маҳалла» жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш вазифаси топширилган эди.

Яқинда ана шу маблағ эвазига сотиб олинган дастлабки 4 та компьютер вилоят бўлими томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда, коммунал тўловларни йиғиш, истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларда фаоллик кўрсатаётган Тошлоқ, Фарғона Бувайда, Данғара туманлари бўлинмаларига топширилди.

**Ўз мухбиримиздан.**

● Жамоатчи жонкуярлар

## МАСЛАҲАТЧИЛАР МАСЪУЛИЯТИ

***Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишига ҳам бир ярим йилдан ошибди. Бу даврда қайси маслаҳатчи ўзига топширилган вазифани қандай бажарганини, унинг йиғин фаолиятидаги иштирокини бемалол сарҳисоб қилиш мумкин.***

Атроф-муҳит тозалигини сақлаш ва ободончилик масаласи маҳалла фаолиятининг асосини ташкил қилди. Тақсимот даврида биз бу вазифани маслаҳатчилардан Машрабжон Темиров билан Ўринбой Ҳамролиевга топширган эдик. Ўтган давр ичида уларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан ҳомий ташкилотлар ёрдамида Фарғона-Водил йўлининг ҳудудимиздан ўтган қисми кенгайтирилиб, қайта асфальтланди ва икки ёнида пиёдаларнинг юриши учун бетон йўлакчалар қилинди. Чекка Янбароқ қишлоғимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида бу ерда мавжуд бўлган артизиан қудуғи қайта таъмирланиб, беш километрли кўчага қувурлар ётқизилди. Қишлоқдаги болалар боғчаси қайта таъмирланиб, ишга туширилди. 5-мактаб газлаштирилди. Ёшлароббод даштидан ер ўзлаштириб, маҳалла учун икки гектарли ўрикзор боғ ташкил қилинди. Кўчалар ва ариқлар ҳамиша тоза сақланади. Ҳар йили эрта баҳорда Марғилон, Ибн Сино, Тожихон Шодиева номли ва бошқа кўчалар четларига турли хил гул кўчатлари ўтқазиб, гулзорлар ташкил қилиш одат тусига кириб қолди.

Раис маслаҳатчилигига сайланган Абдусалим Абдуҳакимов ва Софияхон Тошпўлатованинг ҳаракати билан Дўстлик ва Янбароқ қишлоқларида илгарилари беш-етти кунгача чўзиладиган хатна, учбеш кунга чўзиладиган никоҳ тўйлари бир кунда ихчам қилиб кундуз куни ўтказиладиган бўлиб қолди. Маъракалардаги ортиқча чиқимларга ҳам барҳам берилди.

Маҳалламиз қошида икки йилдан буён «Оила, мактаб ва жамоатчилик» кенгаши ишлаб турибди. Уни маслаҳатчи Мухсинжон Бурхонов бошқаради. Кенгашнинг асосий фаолият йўналиши ёшлар ҳаётдаги ўринларини топиб олишлари учун уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда халқ таълими ходимларига яқиндан ёрдам беришдан иборат. Бу борада бир қатор ижобий ишлар қилинди. Аввало ҳудуддаги ўқишдан четда қолган, ишламай юрган балоғат ёшига етган болалар билан алоҳида иш олиб борилди. Маҳаллада ҳуқуқий тарбияни кучайтириш мақсадида маъмурий орган ходимлари билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маслаҳатчиларимизнинг ҳаммаси маҳаллада маълум бир муҳим соҳани бошқараяпти. Бундан ташқари улар маҳаллада ўтаётган ҳар бир тадбирда қатнашади. Фаолиятимизнинг асоси ҳисобланган жамоатчилик назоратини амалга ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, паспорт тизимини ва аҳолининг коммунал тўловлардан бўлган қарздорлигини тартибга солиш ишлари улар иштирокисиз ўтмайди. Хуллас, маҳаллада амалга оширилаётган ҳар бир ишда Иноят Ғуломова, Кароматы Ҳамроқулова Абдулла Охунжонов, Комил Тўраев сингари маслаҳатчиларимизнинг муносиб ўрни бор. Ҳозирги пайтда маслаҳатчилар бизнинг энг яқин кўмакчимизга, таянчимизга айланиб қолишган.

**Мадаминжон ИСМОИЛОВ,**
**Фарғона туманидаги Тинчлик маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.**

● Обод маҳалла йили тадбирлари

## ҲОМИЙЛАР КЕНГАШЛАРИ

**Фарғона вилояти шаҳар ҳамда қишлоқларида «Обод маҳалла йили» муносабати билан кўплаб маҳалла гузарларини ташкил этиш, катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, болалар спортини ривожлантириш режалаштирилган.**

Ҳокимлар ташаббуси билан режадаги бу ишларнинг белгиланган муддатда сифатли қилиб бажарилишида амалий ёрдам бериш учун ҳар бир маҳаллага ўз ҳудудидаги хўжалик, корхона ва ташкилотлар ҳомий қилиб бириктирилган. Ана шу ташкилотлар ичидан биттасининг раҳбари эса ҳомийлар кенгашининг раиси этиб тайинланди.

Бугунги кунда вилоятдаги маҳаллаларда 287 та ҳомийлар кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Уларга 4598 та хўжалик, корхона ва ташкилот аъзо қилиб бириктирилган.

Қўқон шаҳридаги маҳаллаларда ташкил қилинган ҳомийлар кенгашлари аъзолари режадаги ишларни бажаришга астойдил киришдилар. Шаҳарнинг марказий кўча ва маҳаллаларидаги 60 километрли ариқларни ва 430 метрли қувурни ҳамиша тоза сақлаш, янгидан 230 метр қувур, кичик ҳажмда 3800 метр полиэтилен ва 400 метр темир қувурлар ўрнатиб, гулзорларни доимий равишда сув билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди. Кўча ва хиёбонлардаги 12 гектар гулзорларга ўтқазиш учун кўкаламзорлаштириш ташкилоти томонидан бир миллион 315 минг туп ўн саккиз хил гул ва 50 минг туп манзарали кўчатлар тайёрланмоқда.

Шаҳардаги 24 та кўп қаватли турар жой ва 12 та ташкилот биноларининг ташқи кўриниши таъмирланади. Кўчаларга бадиий безак бериш, ҳар хил паннолар ўрнатиш ишлари амалга оширилади. 6 та маҳалла учун янги ва қўшимча бинолар, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари қурилиши бошланди. Йил охиригача 6 та маҳалла ўзининг кўп хонали биносига ва шинам гузарига эга бўлади.

Фаробий, Усмон Носир номидаги кўчаларни кенгайтириш ва ободонлаштириш, Худоёрхон кўчасида дам олиш хиёбони ташкил этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Шаҳарда спортни ва айниқса болалар спортини ривожлантириш юзасидан ҳам катта ҳажмда ишлар олиб борилмоқда. Марказий ўйингоҳ кенгайтирилиб, қайта таъмирланади. 16-Дегрезлик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қурилиши тўхтаб қолган болалар спорт иншоотида иш давом эттирилмоқда. Марғилон дарвозаси, Алишер Навоий номли маҳаллалар фуқаролар йиғинлари ҳудудида янгидан болалар спорт мажмуалари қуриш учун бир гектардан ер ажратилди ва ишга киришилди. Булардан ташқари 16, 43-маҳаллаларда болалар спорт зали, 7 та маҳаллада мини футбол ташкил қилинади.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан режалаштирилган ишларни охирига етказишнинг аниқ муддати ва уни бажариш учун масъул кишилар белгилаб қўйилган.

Фарғона шаҳридаги Шодиёна маҳалласи фуқаролар йиғини қошида механика заводи директори Расулжон Тожибоев раислигида тузилган ҳомийлар кенгаши аъзолари «Фарғона ҳақиқати» газетаси орқали вилоят меҳнат аҳлига қарата мурожаат билан чиқишди.

**Қодир ШОДМОНОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

